

# **ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ АСОСИЙ МАҚСАДИ НИМА?**

**Мамирзаев Жамшид Нортой ўғли**

**ИИВ Академияси 3 ўқув курси 311-гурӯх курсанти**

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Конституция ва қонунларимизда, айниқса, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамаланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, соғлиғи, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари устувор вазифалардан бирига айланди. Қонун устуворлигини таъминлаш, шаҳс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва хурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демоқратик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.

«Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш – бугунги кунда энг муҳим вазифадир» Мазкур вазифа изжроси юзасидан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилиб келинаётган кенг кўламли ислоҳотлар хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун муҳим пойdevor бўлди. Республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашишнинг янгича тизими шаклланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Мамлакатда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Бугунги кунда профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этишга бир қатор омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда. Улар қўйидагилар:

- профилактика хизмати кўпгина ходимларининг давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни ташкил этишда зарур бўлган раҳбарлик, ташкилотчилик, кенг фикрлилик, ташаббускорлик, киришимлилик, касбий ҳамда педагогик қобилият ва кўникумлар етарли даражада эмас;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жалб этилган хизматлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, аниқроғи, фуқаролар йигини раиси (оқсоқол), унинг хузуридаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва бошқа комиссиялар фаолиятининг етарли даражада ташкил этмаслиги, шунингдек, айrim ҳолларда уларнинг ўз вазифаларини вижданан бажармасдан балки расмиятчилик қилиб, юзаки қарашлари, ҳамкорликда амалга оширилиши зарур тадбирларда фаол иштирок этмасликлари ёки эгаллаб турган жамоатчилик лавозимларидан ўз манфаатларида фойдаланишига йўл қўйилаётганлиги;
- профилактика хизматлари ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида бевосита иштирок этадиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг хузуридаги комиссиялар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш механизмини белгилаб берувчи қонун даражасидаги ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқилмагани;
- профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан узлуксиз ҳамда самарали ҳамкорлиги учун зарурий техника, алоқа воситалари ва бошқа жиҳозлар билан замон талаблари даражасида таъминланмагани.

Санаб ўтилган муаммоларни бартараф этиш қўйидаги чоратадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

- профилактика хизматлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорликда жиноятларининг содир этилиш сабабларини аниқлашлари, уларни бартараф этиш ва заарасизлантиришга қаратилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва бошқа профилактик чора-тадбирларни амалга оширишлари зарур. Ушбу йўналиш, биринчидан, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, иккинчидан, жиноятларнинг олдини олишда фуқаролик жамияти институтларининг куч

ва воситаларини жалб этишга, учинчидан, жамоат тартиби ва хавфсизликни сақлашда фуқароларнинг хушёрги ва огоҳлигини оширишга имкон яратади;

– профилактика инспектори лавозимига ташкилотчи, ташаббускор, кенг фикрли, ҳуқуқий ва педагогик-психологик билимларга эга, ҳаётий ва амалий тажрибаси юкори бўлган ходимларни тайинлаш, профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этиш унга масъул ходимларнинг касбий тайёргарлигига боғлиқ. Мазкур фаолиятга тегишли амалий тажриба ва маҳсус тайёргарликка эга бўлмаган шахсларнинг жалб этилиши бу соҳада камчиликларга йўл қўйилишининг сабабидир;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органлари билан бир вақтда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам масъуллигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, улар ўртасидаги расмиятчиликка барҳам бериш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

– профилактика хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги тўғрисидаги аниқ режасига эга бўлиш;

– профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи ягона норматив-хуқуқий хужжатни ишлаб чиқиш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаол ҳамкорлик қиласидан, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда доимий равишда иштирок этувчи фуқароларни рағбатлантиришни кенг йўлга қўйишнинг комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш;

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш, уларнинг фикрини доимий ўрганиб, таҳлил қилиб боришни янада кучайтириш ва ҳ.к.

Юқорида таъкидланган ташкилий ва ҳуқуқий тадбирларни амалга оширишда «Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради».

Хулоса қилиб айтганда, ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг янги шакл ва усусларини излаб топишни тақозо этмоқда. Бироқ ўтмиш тажрибасини ҳам унутмаслик лозим, чунки тўпланган кўпгина тажрибалар ҳамон ўз қимматини йўқотмаган. Ана шу меросдан амалиётда мохирлик билан фойдаланиш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази 2021 йил ҳисоботлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 10 августдаги “Судтергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Фармони.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.